

---

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРДА БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЎТКАЗИЛГАН УЮШТИРИЛГАН КЎЧАТ ЭКИШ ТАДБИРЛАРИ ФАРҒОНАДА ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ

Регистон майдонида Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммити доирасида ташкилотга аъзо ва кузатувчи мақомидаги мамлакатлар Давлат раҳбарлари иштирокида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбири бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлган Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда кузатувчи мақомига эга бўлган Венгрия ва Туркманистон давлатлари пойтахтларида ҳам бир вақтнинг ўзида уюштирилган кўчат экиш тадбирлари ўтказилди ва онлайн мониторда намойиш этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Регистон майдонида “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш маросимида нутқ сўзлади. “Туркий халқларимизда “яхшидан боғ қолади”, деган ҳикматли сўз бор. Ишончим комилки, бугун биз яхши ниятлар билан яратётган боғу роғлар самарасидан ҳозирги ва келажак авлодларимиз албатта баҳраманд бўлади,” - дея қайд этди ўз сўзида Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси билан кўчат экиш жараёнларини Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар орасида мамлакатимиз худудлари бошлаб бердилар.

Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳар худудида ташкил этилган 70 гектарлик “Янги Ўзбекистон” боғида ҳам манзарали дараҳт кўчатлари экиш тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят нуронийлари, талаба ёшлар, фаол жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-11 16:30:54